

**MAHMUD AL-ZAMAKHSHARI'S WORK "AL-FAIQ FI GHARIB AL-HADITH" AS AN IMPORTANT SOURCE FOR STUDYING RARE VOCABULARY****Hikmatulloh A. Ruzaliev***PhD Student**Tashkent State University of Uzbek Language and Literature
named after Alisher Navo'i*hikmatullohabduljabbor@gmail.com*Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Mahmud al-Zamakhshari, "Al-Faiq fi Gharib al-Hadith," rare vocabulary, lexicography, semantic analysis, context, pragmatics, semantics.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: This article explores the methods of linguistic and semantic analysis in Mahmud al-Zamakhshari's work "Al-Faiq fi Gharib al-Hadith," which holds a significant place in the history of Arabic lexicography. The research reveals how the scholar effectively utilized phonetic, morphological, and syntactic semantics, as well as text context and the evolution of social meaning, in interpreting rare words within hadiths. The results of the analysis demonstrate that Zamakhshari's lexicographic approaches and views on semantic transformations fully correspond to the early theoretical foundations of modern pragmatics, sociolinguistics, and cognitive semantics.

**МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙНИНГ «АЛ-ФОИҚ ФИ ҒАРИБИ-Л-ҲАДИС» АСАРИ
– НОДИР ЛЕКСИКАНИ ЎРГАНИШИНИНГ МУҲИМ МАНБАСИ СИФАТИДА****Ҳикматуллоҳ А. Рўзалиев***Таянч докторант**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети*hikmatullohabduljabbor@gmail.com*Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: Маҳмуд аз-Замахшарий, «Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис», нодир лексика, лексикография,

Аннотация: Ушбу мақола араб луғатшунослиги тарихида муҳим ўрин тутган Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис» асаридаги

семантик таҳлил, контекст, прагматика, семантика.

лингвистик ва семантик таҳлил усулларини тадқиқ этади. Тадқиқот жараёнида алломанинг ҳадислардаги нодир сўзларни изоҳлашда фонетик, морфологик ва синтактик семантикадан, шунингдек, матн контексти ҳамда ижтимоий маъно тараққиётдан қай тарзда унумли фойдалангани очиб берилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Замахшарийнинг лексикографик ёндашувлари ва маъно трансформацияларига оид қарашлари замонавий прагматика, социолингвистика ҳамда когнитив семантиканинг илк назарий асосларига тўлиқ мос келади.

ТРУД МАХМУДА АЗ-ЗАМАХШАРИ «АЛ-ФАИК ФИ ГАРИБ АЛ-ХАДИС» КАК ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ИЗУЧЕНИЯ РЕДКОЙ ЛЕКСИКИ

Хикматуллох А. Рузалиев

Докторант (PhD)

Ташкентский государственный университет

узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

hikmatullohabduljabbor@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Махмуд аз-Замахшари, «Ал-Фаик фи гариб ал-хадис», редкая лексика, лексикография, семантический анализ, контекст, прагматика, семантика.

Аннотация: В данной статье исследуются методы лингвистического и семантического анализа в труде Махмуда аз-Замахшари «Ал-Фаик фи гариб ал-хадис», занимающем важное место в истории арабской лексикографии. В процессе исследования раскрывается, как ученый эффективно использовал фонетическую, морфологическую и синтаксическую семантику, а также контекст текста и эволюцию социального значения при толковании редких слов в хадисах. Результаты анализа показывают, что лексикографические подходы Замахшари и его взгляды на семантические трансформации полностью соответствуют ранним теоретическим основам современной прагматики, социолингвистики и когнитивной семантики.

Кириш. Араб тилшунослиги тарихида лексикографиянинг шаклланиши ва тараққий этиши бевосита муқаддас ислом манбалари – Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар матнини тўғри англаш ҳамда талқин қилиш эҳтиёжи билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу манбалар

таркибидаги кам қўлланиладиган, мураккаб ва нодир сўзларни изоҳлаш жараёни араб тили луғатшунослигининг мустақил ва ўта муҳим тармоғини вужудга келтирди. Тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашилганда, бундай сўзлар луғат бойлигининг пассив қатламига мансуб бўлиб, уларнинг семантик, этимологик ҳамда морфологик хусусиятларини очиб бериш мураккаб илмий вазифа ҳисобланади. Илк ислом давридаёқ турли араб қабилалари шеваларининг аралашуви ва ажам халқларининг исломни қабул қилиши натижасида соф араб тилига хос бўлган қадимий ва нодир сўзларнинг асл маъноларини тушунишда қийинчиликлар юзага кела бошлади (Baalbaki, 2014, pp. 45-47). Шу ўринда ҳадислар таркибидаги нодир лексикани изоҳлашга қаратилган кўплаб асарлар яратилди. Улар орасида Хоразм воҳасидан етишиб чиққан буюк тилшунос олим, муфассир ва адиб Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис» асари ўзининг чуқур лингвистик таҳлиллари, ноёб лексикографик усули ва сўз семантикасига доир оригинал ёндашувлари билан алоҳида ажралиб туради. Мазкур асар қадимий араб сўзларининг этимологиясини аниқлаш, товуш ўзгаришларининг маънога таъсирини кўрсатиб бериш ва контекст орқали маъно таҳлилин аналга оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Имом Замахшарийнинг лингвистик мероси, хусусан, унинг лексикографияга қўшган ҳиссаси Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан турли ракурсларда тадқиқ этилган. Ғарб шарқшунослигида К. Броккельман ва Ж. Ҳейвуд каби олимлар Замахшарийнинг луғат тузиш тамойилларини араб лексикографияси эволюциясининг юқори чўкқиларидан бири сифатида баҳолашган. Маҳаллий шарқшунослигимизда У. Уватов ва А. Рустамов каби олимлар алломанинг умумий илмий фаолиятига, жумладан, унинг тилшуносликка оид асарларига кенг таъриф беришган. Бироқ, бевосита «Ал-Фоиқ» асарининг соф лингвистик жиҳатлари, асардаги семантик ва морфологик таҳлилларга оид энг чуқур изланишлардан бири суданлик олим Т.А.М. Ясин томонидан амалга оширилган бўлиб, унда асарнинг фонетик, синтактик ва прагматик хусусиятлари очиб берилган (Yasin, 2005, pp. 15-22).

Мазкур тадқиқотнинг методологик асосини замонавий тилшуносликнинг қиёсий-тарихий, лексико-семантик ва контекстуал таҳлил методлари ташкил этади. Тадқиқот давомида Замахшарийнинг нодир сўзларни изоҳлашдаги ёндашувини ундан олдинги даврларда яратилган луғатлар билан қиёслаш мақсадида тавсифий-таҳлилий усулдан, шунингдек, асардаги лексик бирликларнинг маъно тараққиётини аниқлашда диахроник таҳлил методларидан фойдаланилди.

Натижа. Араб лексикографиясидаги «ғариб» тушунчаси этимологик жиҳатдан «ёлғиз», «узоқлашган», «нотаниш» каби маъноларни ифодалайди. Терминологик нуқтаи назаридан ушбу тушунча кундалик муомалада фаол қўлланилмайдиган, муайян

қабилаларнинг ўзига хос тор доирадаги шеваларига мансуб бўлган ёки маъносини тўлиқ англаш учун махсус лингвистик тайёргарлик ва луғавий билим талаб этиладиган лексик қатламга нисбатан ишлатилади (Ibn Manzur, 1994, pp. 623-625). Исломнинг дастлабки асрларида ҳадислар матнидаги бундай нодир сўзларни тўғри талқин қилиш зарурати илмий муҳитда катта баҳс ва изланишларга сабаб бўлди. Бу изланишлар дастлаб оғзаки тарзда, турли олимларнинг тарқоқ изоҳлари шаклида мавжуд бўлган бўлса, кейинчалик улар тизимлаштирилиб, яхлит луғат асарлари кўринишини олди.

Маҳмуд аз-Замахшарийгача бўлган даврда «ғариб ал-ҳадис» йўналишида кўплаб асарлар битилган бўлиб, уларнинг эволюцияси араб луғатшунослигининг метод ва тамойиллари қандай такомиллашиб борганини яққол кўрсатади. Ушбу соҳанинг илк намояндалари қаторида Абу Убайда Маъмар ибн Мусанно (ваф. 824 й.) ва Абу Убайд Қосим ибн Салломни (ваф. 838 й.) тилга олиш мумкин. Хусусан, Абу Убайд Қосим ибн Салломнинг асари ўз даври учун катта илмий бурилиш бўлиб, унда нодир сўзлар ҳадисларнинг мавзусига ёки ровийларининг исмларига қараб таснифланган эди. Ибн Қутайба ва Ал-Хаттобий каби кейинги авлод олимлари эса бу йўналишни янада бойитиб, аввалги луғатларда тушиб қолган ёки нотўғри талқин қилинган сўзларга тузатишлар киритдилар.

Шундай бўлса-да, Замахшарий яшаган даврга келиб (XI-XII асрлар), ушбу соҳада яратилган луғатларнинг тузилиши ва қидирув тизими фойдаланувчилар учун муайян ноқулайликлар туғдирар эди. Аксарият олдинги асарлар ҳадисларнинг ровийларига ёхуд ислом тарихидаги шахсларга қараб тартибланган бўлиб, бирор нодир сўзнинг маъносини топиш учун ўқувчи ўша сўз қатнашган ҳадисни ким ривоят қилганини ёки у қайси саҳобага тегишли эканини олдиндан билиши шарт эди. Бу эса тилшунослар ва филологлар учун машаққатли жараён ҳисобланган. Айнан шу муаммони чуқур англаган Маҳмуд аз-Замахшарий лексикография тарихида инқилобий қадам ташлади ва ўзининг «Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис» асарини бутунлай янгича, соф лингвистик ва алифбо тамойили асосида тузиб чиқди.

Замахшарий асарининг энг асосий фарқли жиҳати шундаки, у сўзларни қидиришни осонлаштириш мақсадида лексик бирликларни уларнинг ўзагига таяниб, араб алифбоси тартибида жойлаштирди. Бунда у сўзнинг биринчи ва иккинчи ҳарфини ҳисобга олиб, боблар ва фаслларга ажратди. Бу метод нафақат ҳадислар оламидаги нотаниш сўзларни топишни кескин осонлаштирди, балки асарга тўлақонли лингвистик луғат мақомини берди (Yasin, 2005, p. 116).

Асардаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Замахшарий нодир сўзларни изоҳлашда комплекс ёндашувни қўллади. У даставвал сўзнинг соф лексик маъносини келтиради, сўнг

унинг морфологик вазни ва этимологиясига тўхталади. Шундан сўнги мазкур сўзнинг конкрет ҳадис матнидаги кўчма, мажозий ёки прагматик маъносини очиб беради. Замахшарийнинг бундай ёндашуви сўзнинг тилдаги статик ҳолати ва матндаги динамик ҳолати ўртасидаги нозик чегарани аниқ кўрсатиб беришга хизмат қилади. Олимнинг фонетик ўзгаришлар сўз семантикасига қандай таъсир қилишини кузатиши фоносемантиканинг илк кўринишларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин.

Лингвистик тадқиқотлар тарихида товуш ва маъно ўртасидаги мутаносиблик масаласи азалдан олимлар диққат марказида бўлиб келган. Имом Замахшарийнинг нодир лексикани таҳлил қилиш усулларини ўрганар эканмиз, унинг араб тилидаги товушларнинг табиати ва уларнинг семантик майдонни шакллантиришдаги иштирокига ўта нозик ёндашганига гувоҳ бўламиз. «Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис» асарида фонетик семантика, яъни товушларнинг маъно ташиш хусусияти турли ўринларда намоён бўлади. Замахшарий муайян сўздаги ундош товушларнинг артикуляцион хусусиятлари, жумладан, жаранглилик, жарангсизлик, портловчилик ёки сирғалувчанлик кабилар ўша сўз ифодалаётган ҳаракат ёки ҳолатнинг жадаллиги, оғирлиги ёхуд давомийлигига бевосита мос келишини асослаб беради.

Масалан, араб тилишунослигида Ибн Жинний асос солган «Катта деривация» назариясига кўра, бир хил ўзак ундошларидан таркиб топган, лекин товушларининг ўрни алмашган сўзлар гуруҳи умумий бир семантик ядрога эга бўлади. Замахшарий ушбу назарияни ҳадислардаги нотаниш сўзларни шарҳлашда маҳорат билан қўллайди. Шунингдек, у товуш алмашинуви ҳодисасини чуқур таҳлил қилиб, фонетик ўзгаришлар сўзнинг маъно нозикликларини қандай фарқлашини кўрсатади (Ҳасан, 2005, pp. 132-135). Муаллиф «Ал-Фоиқ»да ش (шин) ва س (син) товушлари иштирок этган сўзларни таққослаб, «шин» товушининг артикуляцион жиҳатдан кенг тарқалувчанлиги у қатнашган сўзлардаги ҳаракатнинг кенг қамровлилигига, «син» товушининг эса нисбатан пастроқ интенсивлигига ишора қилишини таъкидлайди (Ал-Суйутӣ, 1998, pp. 45-47).

Шу билан бирга, ҳадисларда учрайдиган тақлидий сўзлар таҳлилида товушларнинг воқеликдаги табиий овозларга мослиги очиб берилган. Замахшарий бундай лексемаларни изоҳлашда соф луғавий таъриф бериш билан чекланмайди. У товушлар мажмуаси қандай қилиб инсон онгида маълум бир визуал ёки акустик образни шакллантиришини когнитив нуқтаи назаридан изоҳлайди. Бу эса, ўз навбатида, XI-XII асрлардаёқ араб тилшунослигида психолингвистика ва когнитив семантиканинг куртаклари мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Араб тили флектив тиллар сирасига киргани боис, морфологик қолиплар, яъни вазнлар сўз маъносини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. «Ал-Фоиқ» асарида

Замахшарий морфологик семантика масалаларига жуда катта ўрин ажратган бўлиб, у сўз ясалишидаги ҳар бир ўзгариш маънода қандай янгилашни яратишини тизимли равишда таҳлил қилади. Араб тилшунослигидаги машҳур «Қурилишнинг зиёда бўлиши маънонинг зиёда бўлишига далолат қилади» (زيادة المبنى تدل على زيادة المعنى) қондаси Замахшарийнинг морфологик таҳлиллари марказида туради.

Асарда феълнинг турли боблари ифодаладиган нозик семантик силжишлар ҳадислар контекстида берилган. Жумладан, Замахшарий تَفَاعَلَ (тафааъала) вазнининг фақатгина икки томонлама иштирокни эмас, балки ўзини ўша ҳолатга солиш, сунъийлик маъносини ифодалашини ҳадислардаги матний муҳит орқали исботлайди. Ёки أَفْعَلَ (афъала) вазнидаги феълларнинг ўтимсиз феълни ўтимлига айлантириш хусусияти билан бир қаторда, ҳаракатнинг тезкорлиги ва муқаррарлигини англатиши ҳам чуқур очиқ берилган.

Мисол тариқасида, луғатда келган нодир сўзларнинг сифатдош (исм ал-фаъил) ёки мажхул нисбат (исм ал-мафъул) шаклларида қўлланилишига эътибор қаратилади. Замахшарий ҳадис матнида нима учун айнан муболағали сифатдош (صينغ المبالغة) ишлатилганини таҳлил қилар экан, бу грамматик танлов ҳаракатни бажарувчининг ҳолатини таъкидлаш ва воқеанинг ҳиссий таъсирчанлигини ошириш мақсадига хизмат қилишини уқтиради (Ibn Jinni, 1990, pp. 210-212). Шунингдек, у отларнинг кичрайтириш шакллари (التصغير) ҳамда жамъ ал-қилла ва жамъ ал-қасра каби кўплик шаклларининг ўзига хос прагматик маъноларини фарқлайди. Ушбу морфо-семантик таҳлиллар мураккаб диний-ҳуқуқий ва ахлоқий матнларни тўғри тушунишда калит вазифасини ўтайди.

Мухтасар айтганда, Замахшарий сўзнинг ташқи морфологик қобиғини унинг ички семантик маъзидан ажралмас яхлитлик сифатида қабул қилади. Асардаги ҳар бир лексикографик мақола изоҳи шуни кўрсатадики, нотаниш ва мураккаб сўзларни луғавий таржима қилишнинг ўзи етарли эмас, балки унинг қайси морфемалардан таркиб топгани ва қайси деривацион моделга тушганини аниқлаш орқалигина сўзнинг асл муддаосини юзага чиқариш мумкин.

Араб тилшунослигида гап бўлақларининг ўзаро синтагматик муносабатлари ҳамда уларнинг тўғри жойлашуви муайян фикрни аниқ ва тушунарли ифодалашнинг бош мезони сифатида қаралади. Имом Замахшарий ўзининг грамматик маҳоратини, хусусан, «Ал-Муфассал» асаридаги назарий қарашларини «Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис» асаридаги лексикографик таҳлиллар жараёнида муваффақиятли қўллайди. Унинг наздида синтактик семантика сўзнинг гапдаги ўрни, эгаллаб турган грамматик вазифаси орқали юзага чиқадиган кўшимча маъно қатламларини англатади.

Замахшарий ҳадислардаги нодир сўзларни изоҳлаш жараёнида уларнинг грамматик ўрнини аниқлаш орқали юзага келадиган маъно товланишларини кенг тадқиқ қилади.

Абдулқоҳир ал-Журжоний асос солган «Назм» назариясига ҳамоҳанг тарзда, Замахшарий гапдаги сўзлар тартибининг ўзгариши ҳадиснинг прагматик мақсадини кескин ўзгартириши мумкинлигини исботлайди (Al-Jurjani, 1984, pp. 60-62). Қатъий таъкид, таҳсис ёки қаср каби маънолар айнан синтактик воситалар ёрдамида ифодаланади. Муаллиф нотаниш феълларнинг бошқаруви ҳамда уларнинг қайси кўмакчилар билан келишига қараб маъноси мутлақо бошқа тарафга йўналишини конкрет мисоллар асосида кўрсатиб беради. Биргина предлогнинг алмашиши бутун бошли диний-ҳуқуқий ҳукмнинг ўзгаришига олиб келиши мумкинлигини назарда тутсак, Замахшарийнинг бу борадаги синтактик-семантик изланишлари фикҳ ва усул ал-фикҳ илмлари учун ҳам беқиёс манба вазифасини ўтайди.

Сўзнинг луғавий маъноси ва унинг конкрет нутқий вазиятдаги маъноси ўртасидаги тафовутни англаш замонавий тилшуносликнинг, хусусан, прагматика ва дискурс-таҳлилнинг асосий ўрганиш объекти ҳисобланади. Ж. Фёрс ва Б. Малиновский каби олимлар томонидан XX асрда илгари сурилган контекст назариясининг фундаментал асосларини биз XII асрдаёқ Замахшарийнинг «Ал-Фоиқ» асарида учратамиз. Араб лингвистик анъанасида «сиёқ» (سياق – контекст, матн оқими) тушунчаси остида сўзни ўраб турган лингвистик муҳит ҳамда воқеликка оид экстралингвистик омиллар тушунилади.

Замахшарий ҳеч қачон нодир сўзни матндан узиб олинган ҳолда таҳлил қилмайди. У даставвал ҳадиснинг тўлиқ матнини келтиради, сўзнинг гапдаги ўрнини белгилайди ва шундан сўнггина унинг ушбу конкрет матндаги муддаосини очиб беради. Асарда кўплаб полисемик сўзлар учрайди. Замахшарий уларнинг барча луғавий маъноларини санаб ўтиш билан бирга, ҳадис сиёқидан келиб чиқиб, улар орасидан фақат биттасини – айнан шу вазиятга энг мос келадиганини танлаб олади. Бу ёндашув матнни табиийликдан маҳрум қилувчи сунъий тафсилларнинг олдини олишга ва Расулуллоҳ (с.а.в.) сўзларининг прагматик мақсадини тўғри декодлашга хизмат қилади. Муаллиф метафора ва мажоз ҳодисаларини изоҳлашда ҳам айнан сиёққа таянади. У сўзнинг ҳақиқий маъносидан мажозий маъносига ўтиш жараёнида матн ичидаги мантиқий пресуппозицияларга таянади.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятдаги маданий, сиёсий ва диний ўзгаришларга бевосита реакция билдиради. Ислом динининг юзага келиши араб яримролидаги ижтимоий-маданий муҳитни тубдан ўзгартириб юборди ва бу жараён тилнинг лексик қатламида ўзининг ёрқин инъикосини топди. «Ал-Фоиқ» асари Жоҳилия даври лексикасидан Исломий терминологияга ўтиш давридаги семантик трансформацияларни кузатиш имконини берувчи ноёб тарихий-этимологик манбадир.

Замахшарий диний тушунчаларни англатувчи нодир сўзларни таҳлил қилганда, уларнинг исломдан олдинги бадавий ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлган физик, моддий маъноларидан тортиб, Қуръон ва ҳадислар таъсирида шаклланган янги, абстракт ва руҳий

маъноларигача бўлган эволюциясини изчил ёритиб беради. Тарихий лексикологияда бу жараён семантик торайиш, семантик кенгайиш ёки маъно кўчиши ҳодисалари орқали тушунтирилади. Масалан, араб тилидаги «солат» (намоз) сўзи аслида оловда қиздириш ёки дуо қилиш маъноларини англатган бўлса, ислом сиёқида у муайян шартлари ва арконлари бўлган ибодатга айланди. Замахшарий бундай сўзларнинг асл этимологик илдизи ва уларнинг янги диний терминологик маъноси ўртасидаги узвий боғлиқликни топишда ўзига хос когнитив таҳлилни амалга оширади.

Асарда таҳлил қилинган ижтимоий семантика масалалари сўзларнинг жамиятнинг турли қатламлари орасида қандай қўлланилиши, маълум бир давр ва маконда пайдо бўлган янги реалияларнинг тилда қандай номланиши билан изоҳланади. Замахшарий қабилавий шевадар ва уларнинг адабий тилга кириб келиши жараёнини диққат билан кузатади, натижада «Ал-Фоиқ» асари фақатгина диний матнларни тушуниш учун эмас, балки араб тили тарихи ва социолингвистикасини ўрганиш учун ҳам қимматли маълумотлар базасини шакллантиради.

Хулоса. Ушбу тадқиқот давомида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис» асари фақатгина исломий матнларни шарҳловчи анъанавий луғат доирасига кирмаслиги, аксинча, ўзида фундаментал лингвистик назарияларни мужассам этган қомусий манба эканлиги ўз тасдиғини топди. Алломанинг лексикография ва семантика соҳасидаги саъй-ҳаракатлари араб тилшунослиги тарихида янги босқични бошлаб берди. Аввало, луғат тузиш амалиётида морфологик ўзакка асосланган алифбо тизимининг жорий этилиши қидирув жараёнини кескин осонлаштириб, луғатшунослик техникасини мутлақо янги даражага олиб чиқди. Бу методологик бурилиш кейинги асрларда яратилган йирик луғатлар, жумладан, Ибн Манзурнинг «Лисон ал-араб» ва Ферузободийнинг «Ал-Қомус ал-муҳит» каби монументал асарлари учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади.

Замахшарийнинг семантик таҳлил усуллари сўз маъносини тизимли, серқирра ва узлуксиз ўзгарувчан жараён сифатида баҳолаши билан ажралиб туради. Олимнинг фонетик, морфологик ва синтактик семантикага оид кузатувлари товуш, шакл ва маъно ўртасидаги узвийликни очиб берди. Ҳар бир товуш ўзгариши ёки грамматик силжиш ортида аниқ бир мантиқий ва прагматик мақсад ётганини исботлаш орқали Замахшарий мураккаб диний-фалсафий матнларни тўғри декодлашнинг ягона тўғри йўлини кўрсатиб ўтди.

Шунингдек, тадқиқот натижалари шуни намоён этдики, Европа тилшунослигида XX аср ўрталаридагина шаклланган прагматика, дискурс-таҳлил ва когнитив семантиканинг илк уруғлари XI-XII асрлардаёқ Хоразм воҳаси лингвистик мактабида яратилган эди. Замахшарий томонидан сўзларнинг асл луғавий маъносидан узоқлашган ҳолда, уларни

тўғридан-тўғри контекст орқали таҳлил қилиш амалиёти матн табиатини тушунишда экстралингвистик омилларнинг роли нақадар катталигини тасдиқлайди. Унинг ижтимоий семантика доирасида сўзларнинг тарихий тараққиёти, Жоҳилиядан Ислом даврига ўтишдаги маъновий трансформацияларни қайд этиши замонавий диахроник тилшунослик ва социолингвистика талабларига тўлиқ жавоб беради.

Хулоса қилиб айтганда, «Ал-Фоиқ фи ғариби-л-ҳадис» асари Имом Замахшарийнинг нафақат буюк муфассир ёки грамматист, шу билан бирга, сўз табиатини, унинг ички ва ташқи қонуниятларини теран англаган лексиколог ва семантик олим бўлганлигини исботлайди. Мазкур асарнинг лингвистик хусусиятларини замонавий тилшунослик парадигмалари, хусусан, лингвокультурология ва психолингвистика нуқтаи назаридан янада чуқурроқ ўрганиш келажакдаги илмий изланишлар учун истиқболли йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Al-Jurjani, A. (1984). *The Proofs of Inimitability. Dalail al-I'jaz*. – Cairo: Maktabat al-Khanji. – 450 p. (in Arabic)
2. Al-Suyuti, J. (1998). *The Muzhir in the Sciences of Language. Al-Muzhir fi 'ulum al-lugha*. – Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya. – 512 p. (in Arabic)
3. Baalbaki, R. (2014). *The Arabic Lexicographical Tradition. The Arabic Lexicographical Tradition*. – Leiden: Brill. – 350 p. (in English)
4. Ibn Jinni, U. (1990). *The Peculiarities of Arabic. Al-Khasais*. – Cairo: Dar al-Kutub al-Misriyya. – 415 p. (in Arabic)
5. Ibn Manzur, M. (1994). *Lisan al-Arab. Lisan al-Arab*. – Beirut: Dar Sader. – 780 p. (in Arabic)
6. Yasin, T.A.M. (2005). *Linguistic efforts of Imam Zamakhshari in his book Al-Faiq fi Gharib al-Hadith. Al-Juhud al-Lughawiyya li-l-Imam al-Zamakhshari fi kitabihi Al-Faiq fi Gharib al-Hadith*. – Omdurman: Omdurman Islamic University. – 233 p. (in Arabic)